

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ  
АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 65.011.12: 330.322 (575.1)**

**КУЗИЕВА НАРГИЗА РАМАЗАНОВНА**

**Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини  
рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини  
такомиллаштириш йўналишлари**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»  
ихтисослиги**

**Иқтисод фанлари доктори  
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2008**

Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган

**Илмий маслаҳатчи:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор Шарифхўжаев Мурод Шарифхўжаевич

**Расмий оппонентлар:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор Фуломов Саидахрор Саидахмедович

иқтисод фанлари доктори, профессор  
Иминов Одил Каримович

иқтисод фанлари доктори  
Абдурахманов Олим Қаландарович

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2007 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат «\_\_\_» да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй, мажлислар зали.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2007 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди

Ф. Мирзаев

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамиятидаги тутган ўрни унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Ҳар бир давлатнинг тараққиётида хорижий инвестициялар муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни ўз иқтисодиётига жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Айти пайтда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, бутун дунёда инвестициялар учун қатъий рақобатли кураш авж олишини юзага келтирмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестициялари жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни янада такомиллаштириш, хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, уларни мамлакатнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларидаги фаолиятларини мужассамлаштириш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида амал қилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов миллий иқтисодиётни ривожлантириш, уни босқичма-босқич юксалтиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, шундай деган эдилар: «Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш – бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айти пайтда – бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон миллий иқтисодиётини юксалтиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ва унинг барқарор суръатлар билан ривожланишига кенг йўл очмоқда.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни молия-кредит механизмидаги муаммоларини тадқиқ этилишининг долзарблиги мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг минтақавий нотекис жойлашганлиги; Республикаимизга хорижий инвестицияларни ва инвестицион кредитларни жалб этиш усулларини аниқлашда муаммоларнинг мавжудлиги; хорижий инвестициялар иштирокидаги

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгиликлар ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. // Маърифат. Тошкент, 2007. 5 - б.

корхоналарнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор тармоқларида самарали фаолият кўрсатмаётганлиги; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг самарали фаолият юритишда солиқ тизимини ўзгарувчанлиги таъсири ва уларни солиқлар орқали рағбатлантиришда бериладиган имтиёزلардан талаб даражасида фойдаланилмаётганлиги; Республикамиз банк амалиётида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни чет эл валютасида кредитлаш шаклидан етарли даражада қўлланилмаётганлиги; хорижий кредит линиялари етарлича ўзлаштирилмаётганлиги; тижорат банкларининг хорижий валюталардаги кредит потенциалининг нисбатан заифлиги билан белгиланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар «... айниқса, тўғридан тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур»<sup>2</sup> лигидан келиб чиқиб, ушбу корхоналар билан боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ этиш, уларни бартараф этиш йўллари белгилаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, ушбу корхоналарнинг фаолияти, ўзига хос хусусиятлари ва молия-кредит механизмини таҳлил қилиш масалалари хориж олимларидан: Александр Г., Бейли Д., Бригхмен Ю., Лоренс Ж. Гитман, Домар Е.Д., Доунс Ж., Жонс Эрнест, Кодзима К., Майкл Д. Жонк, Махлуп Ф., Мертенс А.В., Харрод Р.Ф., Херберт Б. Мейо, Норткотт Д., Розенберг Ж.М., Роузенстейн-Родан П.Н., Пол А. Самуэльсон, Шарп У., Гудман Ж. Эллиот ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Инвестициялар иқтисодий моҳиятини ёритиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш, ушбу корхоналарнинг молия-кредит механизмига хос бўлган жиҳатлари билан яқиндан танишиш ва ундаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари яқин хорижлик иқтисодчи олимлар Абрамов С.И., Бланк И.А., Богатырёв А.Г., Богуславский М.М., Бочаров В.В., Волков И.М., Золотогооров В.Т., Картишев С.В., Комаров В.В., Миловидов В.Д., Смирнов А.Л., Факов В.Я., Черкасов В.Е. ва бошқаларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, улар иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолиятини молиявий рағбатлантириш, ушбу корхоналар молия-кредит механизмини такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, шунингдек, Ш.З.Абдуллаева, Э.А.Акрамов,

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент. 9.-Т.: «Ўзбекистон», 2001, 265-б.

М.С.Ангелиди, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, М.Ш.Шарифхўжаев, Ш.Г.Юлдашев, А.Қ.Қодиров, Н.Х.Хайдаров, Д.Ғ.Ғозибеков, С.С.Ғуломов ва бошқаларнинг илмий ишларида алоҳида ўрин тутди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Тошкент Молия институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади.** Тадқиқотнинг мақсади - миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини юритиш ва уларнинг молия-кредит механизми такомиллаштирилишига қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш назарда тутилди:

- «инвестициялар», «хорижий инвестициялар» иқтисодий мазмунига янгича назарий талқин бериш, уларнинг турлари ва таркибини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- республикамізда яратилган инвестицион муҳитининг шаклланиши, хорижий инвестицияларни мамлакатимизга жалб қилиш хусусиятларини таҳлил қилиш;

- мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия-кредит механизми ва инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибини аниқлаш;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида солиқ механизми ўрнини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар бериш;

- ушбу корхоналар фаолиятига татбиқ этилаётган солиқ тизими таҳлил қилинишида хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини ижобий қўллаш йўналишларини белгилаш;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришда солиқларни ҳисоблаш механизмини янада такомиллаштиришга бағишланган амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

- банк амалиётида қўлланиладиган кредитларнинг шаклларини таҳлил қилиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда кредитлаш шаклларида фойдаланиш заруриятини баҳолаш;

- ушбу корхоналар фаолиятини кредит механизми орқали рағбатлантиришни кучайтириш йўналишларини белгилаш;

- ушбу корхоналарни эркин конвертациялаштириладиган валютада кредитлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан назарий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти илмий тадқиқотнинг объекти қилиб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ташкил қилиш ва рағбатлантиришда вужудга келадиган молия-кредит муносабатлари тадқиқотнинг предмети қилиб олинди.

**Тадқиқот методлари.** Диссертация ишини тайёрлашда гуруҳлаш, статистик, илмий-тадқиқотларни амалга оширишнинг минтақавий ва қиёсий таҳлил усули, дифференциациялаш усули, муаммога тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди. Илмий-тадқиқот ишида олинган илмий хулоса ва амалий таклифлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва тегишли молия-солиқ органлари фаолиятининг ҳисоботларига асосланган.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан олинадиган солиқларни ундириш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг тутган ўрни аниқланди ва уларни самарали амал қилиш йўналишлари ишлаб чиқилди;

- солиққа тортиш тартибини хорижий инвестициялар миграциясига таъсирининг эконометрик таҳлили келтирилди ва хорижий инвестициялар билан фойда солиғи ставкалари ўртасидаги боғлиқлик аниқланди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини кредит механизми орқали рағбатлантиришда мавжуд бўлган муаммолар аниқланди ва уларни бартараф этиш йўналишлари белгиланди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг чет эл валюталарида кредитлаш механизми самарадорлигини оширишга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар таклиф этилди.

**Илмий янгилиги.** Диссертацияда эришилган илмий янгиликлар ва амалий тавсиялар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида «инвестициялар», «хорижий инвестициялар»нинг иқтисодий категория сифатидаги тўлиқ таснифи берилди, мустақил муаллифлик ёндашуви берилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан олинадиган солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни аниқланди, солиқларни ундириш ва тўлаш тартибида камчиликларни бартараф этишга қаратилган амалий таклифлар берилди:

- жаҳон амалиётида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг амалдаги солиқ механизми ўрганилди, ундан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, фойдаланиш имкониятлари амалий жиҳатдан асослаб берилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан олинadиган фойда солиғи юзасидан солиққа тортиладиган базага нисбатан солиқ дифференциациясини қўллаш таклифи ишлаб чиқилди;

- ушбу корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантириш мақсадида қуйидаги мол-мулк солиғи механизмини корхона томонидан экспорт қилинган маҳсулотнинг улушини ҳисобга олган ҳолда белгилаш таклиф этилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иқтисодий фаолиятига солиқ имтиёзларининг таъсири таҳлил қилинди ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар берилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини кредит механизми орқали рағбатлантиришни такомиллаштириш йўналишлари белгиланди:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кредитлаштириш шаклларида фойдаланиш самарадорлиги даражаси таҳлил қилинди ва ўзига хос афзалликлари очиқ берилди;

- республикада кичик корхоналар мақомига эга бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга имтиёзли кредитларнинг шакллари амалиётда қўллашни кенгайтириш зарурияти илмий асосланди;

- ушбу корхоналари кредит механизмида хорижий кредит линияларини ўзлаштиришни такомиллаштириш ва қайта жойлаштирилмаган кредитлар муаммосини ҳал қилиш мақсадида кредит шартномаларига хорижий кредитларни муддатидан олдин қайтариш шартларини киритиш лозимлиги асослаб берилди;

- ҳукумат томонидан иқтисодиётнинг устувор тармоқлари сифатида эътироф этилган тармоқларда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга селектив кредитлаш усулини жорий қилиш зарурлиги асосланди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда пул оқимини баҳолаш усули, молиявий коэффицентлар усули ва прогнозлаш усули каби тизимли усуллар мажмуасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни чет эл валюталарида кредитлаш механизмини такомиллаштиришга бағишланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга чет эл

валюталарида берилаётган кредитларнинг фоиз маржасига нисбатан лимит жорий қилиниши лозимлиги асосланди;

- чет эл валюталарида кредитлар беришда юзага келадиган кредит рискларини минималлаштириш мақсадида мамлакатимиз тижорат банкларининг кредит потенциалини мустаҳкамлашга қаратилган амалий тавсиялари ишлаб чиқилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни молия-кредит механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.

**Диссертация ишининг назарий аҳамияти.** Илмий ишдаги ишлаб чиқилган илмий фикр-мулоҳазалар, методологик ёндашувлар ва илмий-назарий тавсиялар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини самарали ташкил қилиш ва уларни молия-кредит механизмини таҳлил этишга бағишланган махсус илмий-тадқиқот ишларида қўлланилиши мумкин. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида, «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Чет мамлакатлар солиқ тизими», «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги» каби махсус курслар ўқитилишида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш бўйича ишланма ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида нобанк молия институтларини, хусусан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш тадбирларини амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти ташкил этилиши, ушбу корхоналар солиқ механизмини такомиллаштириш, уларга бериладиган имтиёзларнинг рағбатланти-рувчанлик таъсирини ошириш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш механизмини тўғри ва самарали амал қилишини таъминлаш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни чет эл валюталарида кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланиш юзасидан берилган таклифлар мамлакатда инвестиция дастурларини тузишда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни молия-кредит тизимини ташкил қилишда ёрдам беради ва уларни самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг 2006 йил 18 апрелдаги далолатномаси), Ўзбекистон Республикаси Миллий банки (Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг 2007 йил 19 октябрдаги далолатномаси) томонидан



амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация натижаларидан Тошкент Молия институтида «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Чет мамлакатлар солиқ тизими», «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги» каби махсус курслар ўқитилишида фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Илмий ишнинг асосий ғоялари ва натижалари халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган ва ижобий баҳоланган: «Глобаллашув шароитида миллий иқтисодиёт ривожланиши муаммолари» (Термиз, 2003); «Ўзбекистон банк-молия тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш муаммолари ва унинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини кучайтириш» (Тошкент, 2003); «Пути совершенствования налоговой системы и страховой деятельности в условиях либерализации экономики» (Ташкент, 2004); «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмлари самарадорлигини ошириш муаммолари» (Тошкент, 2004); «Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш муҳим устувор вазифа» (Тошкент, 2005); «Социально-экономические проблемы переходной экономики» (Санкт-Петербург, 2005); «Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланиш муаммолари» (Тошкент, 2005); «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ тизимининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2005 йил); Девятнадцатые международные Плехановские чтения (Москва, 2006); «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши» (Тошкент, 2006); «Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини шакллантириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2007); «Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана» (Москва, 2007).

Диссертация иши Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Солиқ академияси, Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институти бирлашган семинарларида ва Банк-молия академияси илмий мувофиқлаштирувчи кенгашида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий-тадқиқот натижалари 1 монография, 5 ўқув қўлланма, шунингдек, 50 дан ортиқ илмий мақола ва маъруза тезисларида эълон қилинган. Диссертация бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий ҳажми 82,5 босма табоқдан иборат.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация ҳажми 298 бет, 37та жадвал, 20та расм, 20та илова, диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ва унинг барқарор суръатлар билан ривожланишига кенг йўл очди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестицияларнинг фаол ва самарали жалб этилиши миллий иқтисодиётни ривожлантиришда, унинг барқарор ўсишини таъминлашдаги ўрни бениҳоят катта. Бу ўз навбатида, инвестицияларнинг моҳиятини тўғри ва тўлароқ талқин этиш заруриятини юзага келтиради.

Иқтисодий адабиётларда инвестициялар тушунчаси турлича талқин қилинмоқда. Одатда, инвестиция деганда, келгусида даромад олишни мўлжаллаб, ҳозирда муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш тушунилар эди.

Ушбу масала юзасидан хориж олимлари, хусусан, У.Шарп, Г.Александр, Д.Бейли, Лоренс Ж. Гитман, Майкл Д. Жонк, В.Г.Золотогоров, В.В.Комаров ва С.И.Абрамовлар<sup>3</sup> илмий ишларида инвестициялар моҳиятини ёритишга бағишланган фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Инвестицияларга берилган таърифлар таҳлилида инвестицияларни ички ва ташқи инвестицияларга ажратишнинг зарурлиги асосланади. Фикримизча, бу инвестициялар моҳиятининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, ички ва ташқи инвестицияларни амалга ошириш жараёнлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Масалан, ташқи инвестицияларни амалга оширишда валюталарни конвертирлаш, инвестициядан олинган даромадни репатриация қилиш муаммолари вужудга келиб, мазкур муаммолар инвестициянинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигига салбий таъсир этади.

Фикримизча, берилган таърифларда инвестицияларнинг моҳиятини ёритишда маълум чалкашликлар мавжуд. Масалан, у инвестицияларга оид билдирилган таърифларда инвестицион кўйилмалар, инвестицион ресурслар ва инвестиция объектлари тушунчалари кўшилиб кетган. Мақсадли банк омонатлари эса инвестицион харажатларни молиялаштиришга йўналтирилган тақдирдагина инвестиция мақомига эга бўлади. Айрим талқинларда эса инвестициялар келгусида даромад олиш мақсадида қилинган кўйилмалар сифатида эътироф этилган. Фикримизча, муаллифларнинг фикрлари моҳиятан тўғри, бу инвестициялар

<sup>3</sup> Шарп У., Александр Г., Бейли Д. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 1999. – XII, 1 с.; Лоренс Ж. Гитман, Майкл Д. Жонк. Основы инвестирования. Пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – 10 с.; Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. пособие. – Минск.: ИП «Экоперспектива», 1998. – 11 с.; Комаров В.В. Инвестиции и лизинг в СНГ. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 13 с.; Абрамов С.И. Организация инвестиционно-строительной деятельности. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1999. – 5 с.

тушунчасининг намоён бўлиш шаклларида бири ҳисобланади. Шунингдек, инвестиция моҳиятининг бошқа намоён бўлиш шакллари, шу жумладан, ижтимоий самара олиш мақсадида қўлланилиши ва иқтисодий рискларга мунтазам дуч келиши уларнинг таърифларида ўз аксини топмаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Д.Ф.Ғозибеков томонидан баён этилган таърифда, инвестицияларнинг ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатлиги, бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларни онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланиши келтириб ўтилган.<sup>4</sup>

Н.Ҳ.Ҳайдаров томонидан инвестициялар тушунчасига берилган таърифда эса, инвестициянинг моҳияти давлат, аҳоли ва турли мулк шаклидаги корхоналарнинг молиявий, мулкӣ ва интеллектуал бойликларига нисбатан тегишли бўлган қонунлар доирасида жалб этилиши бўйича ўзининг аниқ аксини топган.<sup>5</sup>

Шунингдек, диссертацияда инвестиция мазмуни ва моҳиятини ёритишда бевосита Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунда берилган таъриф ҳам ўрганилган бўлиб, ушбу таърифга кўра: «Инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар»<sup>6</sup>, - деб таъкидланган.

Ушбу қонунда берилган иқтисодий таъриф нисбатан содда шаклда берилган бўлиб, инвестицияларнинг тўлиқ моҳиятини очишда уни мақсадли тарзда кенгайтириш ўринлидир.

Юқорида қайд этилган фикрларга хулоса қилиб, «**инвестициялар**»га кенг маънода қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Инвестициялар – бу давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакат ичкарисида ва ташқарисида янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, кўчмас мулк, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда активларни сотиб олишга йўналтирилаётган молиявий маблағлари, мулкӣ ва интеллектуал бойликлардир».

Диссертация ишида, четдан жалб этиладиган хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аксарият иқтисодий адабиётларда хорижий инвестицияларга берилган турли хил қарашлар таҳлил қилинган. Тадқиқотчи хорижлик

<sup>4</sup> Ғозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2002, 6 - б.

<sup>5</sup> Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2003, 14-15 - б.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали. 2-сон, 1999 й.

ва мамлакатимиз олимларининг хорижий инвестициялар бўйича берилган хулосаларида умумийлик мавжуд бўлиб, таърифларнинг асосий элементлари мос келади деган якуний хулоса чиқарган.

Диссертацияда келтирилган ва таҳлил қилинган фикр-мулоҳазаларга кўра, «**хорижий инвестициялар**»га қуйидагича таъриф келтириш мумкин: «Хорижий инвестициялар – бу келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли кўринишдаги бойликлар (кўчар, кўчмас мол-мулк, интеллектуал бойликлар ва б.) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва комиссия мукофотлар, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)ни қўйилишидир».

Капиталнинг халқаро ҳаракати замонавий концепцияларини ўрганиш натижасида улар иқтисодий билимнинг неоклассик, неокейнсиан ва монетаризм йўналишлари доирасида шаклланганлигини таъкидлаш лозим.

Капитални олиб чиқишнинг неоклассик назарияси микроиқтисодий таҳлилга асосланган бўлиб, халқаро савдо назарияси доирасида яратилган ва ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари бўлган – капитал, меҳнат, нархлар, ишлаб чиқариш харажатлари, талаб ва эҳтиёжнинг мувозанат шартини кўзда тутди. Капитални халқаро ҳаракатининг неокейнсиан назарияси макроиқтисодий таҳлил асосида шаклланган бўлиб, капитални олиб чиқиш, тўлов баланси ҳаракати, миллий даромад ва бандликнинг ўзгариши ягона тизимда келтирилади. Монетаризмнинг неоклассик назарияга нисбатан ўзига хос хусусиятли жиҳати – у пул муомаласи соҳасига бевосита боғлиқлиги билан алоҳида ажралиб туради. 70-йилларнинг охиридан бошлаб, монетаристик концепциялар капитални халқаро даражага олиб чиқишнинг асосий йўналишларини шакллантиришда, уни қатор халқаро молия институтлари томонидан тартибга солинишида устунликка эга бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестициялар ва капитал қўйилмалар тушунчалари ўртасидан қатор фарқлар юзага келди:

**Биринчидан**, инвестициялар – капитал қўйилмаларига қараганда анча кенг тушунча. Инвестициялар реал инвестиция қўйилмаларини ва портфель қўйилмаларни ўз ичига олади. Мазкур таснифлашларда эса, портфель инвестициялари мутлақо ҳисобга олинмаган.

**Иккинчидан**, бозор муносабатларига ўтилиши билан капитал қўйилмаларни, инвестицияларни молиялаштириш усуллари ва услубларини қўллаш соҳалари анча кенгайди. Буларнинг барчаси ушбу таснифлашларда мавжуд эмасдир.

Ҳозирги кунда инвестицияларни чет эл адабиётларида келтирилган тарзда таснифлаш ва уларни мамлакат амалиётида

қўллаш учун умумлаштириш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бироқ, ҳозирги замонавий шароитда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида, уларни батафсил тасаввур қилиш ва чуқур таҳлилдан ўтказишда ушбу таснифлар етарли эмаслиги маълум бўлмоқда.

Инвестицияларнинг, жумладан, хорижий инвестицияларнинг турли белгиларига асосланган ҳолда, таснифлаш уларнинг иқтисодий моҳиятини янада чуқурроқ тушунтириб беради.

Диссертация ишида муаллиф томонидан келтирилган **хорижий инвестицияларнинг таснифланиши** инвестицияларни лойиҳалаштириш, содир бўлаётган жараёнларни ҳар тарафлама баҳолашда ва моҳиятини тўлиқ тушуниб олиш учун зарурдир (1-расм).

Хорижий инвестицияларни таснифлашнинг қайд этиб ўтилган белгилари асосида таҳлил қилишнинг афзаллиги шундаки, бунда корхона ўз инвестицияларидан қайси мақсадларда фойдаланиши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Моҳиятан, бу таснифлаш корхонанинг инвестиция портфели хусусиятларига хос бўлиб, инвестицияларнинг молиявий таваккалчилик даражасини минимал пасайтириш ва иқтисодий фойдани кўпайтиришнинг мақбул йўллари танлашда корхоналар фаолияти учун ўта муҳим ҳисобланади.

Бир қарашда мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилгандек бўлиб кўринсада, аслида муаммовий масалалар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўзигагина боғлиқ эмас. Ушбу ўринда Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини пасайишига олиб келаётган қуйидаги омилларни алоҳида келтириб ўтиш мумкин:

### **1. Иқтисодий ва молиявий соҳаларда:**

- инвестиция жараёнлари иштирокчилари томонидан шартнома мажбуриятларини бажариш интизомининг пастлиги;
- молия-кредит ва банк тизимини ривожлантириш суръатларини имконият даражасидан орқадалиги;
- маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкам эмаслиги;
- мамлакат иқтисодиётида монопол ҳукмронликка эга бўлган хўжалик субъектларининг мавжудлиги;
- бозор инфратузилмасини етарли даражада ривожланмаганлиги;
- миллий иқтисодиётга давлат аралашувининг юқорилиги;
- мамлакатда биржа савдосини етарли даражада ривожланмаганлиги;
- хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини пастлиги.

### **2. Ижтимоий – сиёсий соҳада:**

- ижтимоий дастурларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлардан самарасиз фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлиги;



1-расм. Хорижий инвестицияларнинг таснифланиш белгилари<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилди.

- ижтимоий соҳадаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ресурс билан таъминланиш муаммосининг мавжудлиги.

### **3. Ҳуқуқий соҳада:**

- айрим қонунчилик ҳужжатлари, кўрсатмавий ва меъёрий услубий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши;

- айрим қонунлар билан амалдаги йўриқномалар ўртасида номувофиқликлар мавжудлиги;

- ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан назорат механизми самарадорлигининг пастлиги.

### **4. Ахборот технологиялари соҳасида:**

- ахборот инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- халқаро ахборот тизимлари билан узвий алоқадорлик давр талаблари даражасида ташкил этилмаганлиги;

- замонавий ахборот соҳасида ишлаётган кадрлар тайёрлаш сифатининг нисбатан пастлиги.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳамкорлик қилиш олдидан ягона тамойиллар асосида мамлакатимизда ушбу корхоналар учун яратилган иқтисодий фаолиятнинг умумий тамойиллари билан яқиндан танишиб чиқадилар.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иқтисодий фаолиятининг умумий тамойиллари 2-расмда батафсил ёритиб берилган.

Диссертацияда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, улар фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор муҳим жиҳатларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

**Биринчидан**, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти йўлга қўйилиши учун қуйидаги босқичлар амал қилишини таъкидлаш мумкин: корхонани очиш учун шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона очиш ҳақида қарор қабул қилиш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани очиш ва фаолиятини режалаштириш.

**Иккинчидан**, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларини ички, ташқи ва стратегик туркумларга ажратиш мумкин.

**Учинчидан**, инвестицияларни жалб қилишни таҳлил қилишда мамлакат, ҳудуд, соҳа, корхона миқёсидаги хусусиятлари ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур тизимдаги ҳар бир лойиҳанинг инвестицияларни жалб қилиш тартиблари барча таркибий қисмларнинг хусусиятлари билан белгиланади.

Илмий ишда мамлакатда инвестицияларни жалб қилиш хусусияти шакллантирилишида халқаро лойиҳаларни танлаш ва



2-расм. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иқтисодий фаолиятининг умумий тамойиллари<sup>8</sup>.

<sup>8</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.



уларни амалга ошириш шартлари таҳлил қилинган ва уларни жалб қилиш хусусиятларини аниқлашга бағишланган турлича усуллар баён этилган.

Тадқиқот ишида қуйидаги тарзда гуруҳлаштирилган инвестиция иқлимини аниқлаш усуллари тавсия этилган: сиёсий-ҳуқуқий муҳит; иқтисодий муҳит; ижтимоий-маданий муҳит; экологик муҳит; ресурслар ва инфратузилманинг ривожланганлик даражаси.

Ўзбекистон иқтисодиётини хорижий инвестициялар билан таъминланганлик ҳолати таҳлил қилинишида жаҳон иқтисодиётидаги ўсиш суръатига қиёсланганда умумий танглик жиҳатлари мавжудлигини кузатиш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этилишида мезон сифатида қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: бозор; рақобатлар; соҳага кириб боришига ҳалақит берадиган тўсиқлар; таъминловчи-етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатлар; технологик омиллар; ижтимоий омиллар.

Илмий ишда Ўзбекистон ҳудудида инвестициялар жалб этилиш хусусиятлари ўрганилиб, қуйидаги омиллар таҳлил қилинишига алоҳида эътибор қаратилган: ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражаси; ҳудуднинг инвестицион инфратузилмаси ривожланганлик даражаси; демографик тавсифи; ҳудудда бозор муносабатлари ва тижорат инфратузилмаларининг ривожланганлик даражаси; криминоген, экологик ва бошқа хавф-хатарлар даражаси.

Республикаимизда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилиб, фаолият юритаётган корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Агар 1995-1996 йилларда республикаимизнинг 14 та минтақасидан 6 тасига хориж инвестицияси умуман киритилмаган бўлса, 1998-1999 йиллардан бошлаб ҳозирги давргача барча минтақаларда хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Республикада ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг минтақалар бўйича жойлашуви нотекис. Ҳозирги кунда ишлаётган 2919 хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти Тошкент шаҳрига (1755 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона), Тошкент вилоятига (194 та), Самарқанд вилоятига (167 та), Андижон вилоятига (112 та) ва Фарғона вилоятига (98 та) тўғри келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида (62 та), Сирдарё вилоятида (61 та), Хоразм вилоятида (47 та) ва Жиззах вилоятида (47 та) ушбу кўрсаткичлар салмоғи жуда ҳам кам.

Ушбу маълумотлар таҳлили кўрсатишича, республикаимизда ташкил этилган хорижий корхоналарнинг аксарияти йирик шаҳаларда, марказга яқин жойларда ташкил этилиб, ўз фаолиятини юритмоқда.

**Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар  
иштирокидаги корхоналар сони<sup>9</sup>**

Вилоятлар	1998 йил		2002 йил		2006 йил	
	Фаолият кўрсатаётган корхоналар	Жамига нисбатан, фоизда	Фаолият кўрсатаётган корхоналар	Жамига нисбатан, фоизда	Фаолият кўрсатаётган корхоналар	Жамига нисбатан, фоизда
1	2	3	4	5	10	11
Қорақалпоғистон Республикаси	5	0,2	30	1,4	62	2,1
Андижон	51	2,6	89	4,3	112	3,8
Бухоро	39	2,0	45	2,2	78	2,6
Жиззах	29	1,5	30	1,5	47	1,6
Қашқадарё	21	1,1	32	1,5	69	2,4
Навоий	24	1,2	28	1,3	72	2,5
Наманган	43	2,2	69	3,3	89	3,1
Самарқанд	85	4,4	102	4,9	167	5,7
Сурхондарё	28	1,4	30	1,5	61	2,1
Сирдарё	13	0,7	29	1,4	68	2,3
Тошкент	107	5,5	151	7,2	194	6,7
Фарғона	49	2,5	51	2,4	98	3,4
Хоразм	23	1,2	26	1,2	47	1,6
Тошкент шаҳри	1434	73,5	1375	65,9	1755	60,1
Ўзбекистон Республикаси, жами:	1951	100,0	2087	100,0	2919	100,0

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти таҳлили қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

- мамлакатимизнинг сустривожланаётган ҳудудларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларни фаол давом эттириш зарур. Бунда ҳудудий бошқарув органларининг турли соҳалардаги инвестиция лойиҳалари самарали амалиётга татбиқ этилиши юзасидан масъулиятини ошириш лозим;
- ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва хорижий инвесторларни ҳудуднинг экспорт имкониятлари бўйича зарурий маълумотлар билан таъминлаш;
- инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш мақсадида, мамлакатимизнинг кам ривожланган ҳудудларида инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан давлат мониторингини ўрнатиш. Бунда, айниқса, телекоммуникация ва

<sup>9</sup> 1998-2006 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. // Статистик тўплам маълумотлари.

меҳмонхона хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир;

- экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажмида экспорт қилинган маҳсулотлар улушини ҳисобга олган ҳолда, солиқ имтиёзларини жорий этиш;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг низом фондида хорижий инвесторнинг эгаллаган улушини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча солиқ имтиёзларини бериш;
- инвестиция дастурларини тузишда ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш.

Тадқиқотлар кўрсатишича, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан савдо-сотиқ ва воситачилик соҳасида фаол хўжалик фаолиятини юритилмоқда. Миллий иқтисодиётимизнинг ривожланишида муҳим бўлган қишлоқ хўжалиги, транспорт, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, қурилиш соҳалари билан шуғулланувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг салмоғи анча пастдир. Иқтисодиётнинг истиқболли, етакчи тармоқлари ҳисобланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, фойдали қазилмаларни етказиб берувчи, уларни қайта ишловчи, кимё саноати билан шуғулланувчи, сайёҳлик хизматларини кўрсатувчи фаолиятларга ўз инвестицияларини жалб этувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун шарт-шароитлар яратиш, имтиёзлар бериш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини ҳимоя қилиш ва шу каби масалаларни ҳал этиш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида 2002-2006 йилларда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган, лекин фаолият кўрсатмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ишламаётганлик сабаблари алоҳида ўрганилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ишламаётганлиги фаолият юритиш учун пул маблағларининг етишмаслиги, низом фондининг тўлиқ шаклланмаганлиги ва таъсисчилар томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, мамлакатимизда аксарият ҳолларда берилган солиқ имтиёзларидан самарасиз фойдаланиш натижасида уларнинг етарли даражада наф бермаётганлиги кузатилмоқда. Бунинг бир нечта сабабларини келтириб ўтиш мумкин: имтиёзга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар имтиёзларнинг туб моҳиятини етарли даражада тушунмаслиги; номукамал имтиёзларнинг белгиланаётганлиги; корхоналарнинг молиявий-иқтисодий жиҳатдан ночорлиги ва бошқалар.

**Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг  
ишламаётганлик сабаблари<sup>10</sup>**

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслик сабаблари	Йиллар				
	2002	2003	2004	2005	2006
Пул маблағларининг йўқлиги сабабли	191	256	174	159	162
Хом ашё материалларининг етишмаслиги сабабли	83	37	46	54	39
Низом фондининг шаклланмаганлиги сабабли	112	133	139	137	131
Корхона янги ташкил этилганлиги сабабли	22	28	25	13	18
Жиноий иш қўзғатилганлиги сабабли	25	34	28	16	24
Таъсисчилар томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли	197	189	166	119	105
Бошқа сабаблар	111	116	162	119	109

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган солиқ имтиёзлари фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва божхона тўловлари юзасидан белгиланган. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар солиқли ва солиқсиз тўловлар бўйича барча юридик шахслар сингари солиққа тортиш тартибига ва солиқ имтиёзларига эга.

Бизнинг фикримизча, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга фойда солиғи бўйича ишлаб чиқаришда ишлатиладиган жами хом ашёдаги маҳаллий компонент ҳиссасига қараб, камайтирувчи коэффициентлар белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу солиқ имтиёзининг амал қилиши орқали қуйидаги масалаларни ҳал этиш мумкин:

- камайтирувчи коэффициентларни амал қилиши хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланишларини рағбатлантиради;
- ишлаб чиқарилаётган маҳаллий хом ашёнинг сотилиши амалга оширилади;
- бюджетга доимий тушумлар таъминланади;
- хориждан келтириладиган хом ашё учун валютани тежаш имкониятини яратилади;
- валюта жамғармаси ортади;
- маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган маҳсулотларни экспортга чиқариш имкониятлари кенгайди;
- миллий сўмнинг харид қуввати барқарорлашишига таъсир қилади;
- арзон хом ашё ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади;
- ички бозордаги нархларнинг барқарорлашуви юзага келади.

<sup>10</sup> Жадвал Тошкент шаҳар Солиқ Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Аксарият ривожланган мамлакатларда инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу корхоналарга солиқлар томонидан енгилликлар берилганлиги тўла-тўқис ўзини оқланмоқда. Дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасини ўрганишда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини қўллашнинг қуйидаги умумий жиҳатлари мавжудлигини қайд этиш мумкин: маълум бир ҳудудларни ривожлантириш учун имтиёзлар берилиши; фан-техника ривожланиши учун йўналтирилаётган инвестициялар солиқ имтиёзига эга бўлиши; корхоналарни ўзининг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган инвестицияларини тўлиқ ёки қисман солиқдан озод қилиниши; биринчи даражали истеъмол маҳсулотларига белгиланган солиқнинг пасайтирилган ставкаси қўлланилиши; экспортни қўллаб-қувватлаш ва протекционизм сиёсатини амалга оширадиган солиқ имтиёзларининг қўлланилиши.

Тадқиқот жараёнида чет эл давлатларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортишда қуйидаги илғор тажрибаларни аниқлаш ва Ўзбекистонда уларнинг ижобий жиҳатларини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг жойлашган ҳудудига қараб солиқ ставкасининг белгиланиши;
- солиқ механизмини такомиллаштириш жараёнида иқтисодий рағбатлантиришнинг таъсирчан усулларида фойдаланиш;
- корхоналар берилган солиқ имтиёзларидан қўшимча моддий манфаат кўриш учун ҳаракат қилишларига йўл қўймаслик;
- корхоналар иқтисодий имкониятларини кучайтириш мақсадида солиқ имтиёзларининг берилиши бевосита бюджет даромадлари шаклланишига ўз ижобий таъсирини ўтказиши лозимлиги;
- кичик бизнесни ривожлантиришга ўз инвестицияларини сафарбар этган ва шу асосда тузилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзларини бериш (Буюк Британия, Франция, Италия, Япония мамлакатлари мисолида).

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг имкониятлари инвестор-корхоналар ва реципиент давлатларда қўлланиладиган солиқ тизимининг хусусиятларига боғлиқ. Илмий ишда турли хил мамлакатларда капитални жойлаштиришнинг фойдалилик даражаси бевосита амалдаги солиқ тартибига ва мазкур мамлакатда олинган фойда меъёрига боғлиқлиги эконометрик таҳлил асосида ўрганилди. Солиққа тортиш тартибининг хорижий инвестициялар миграциясига таъсирини ўрганиш натижасида мамлакат резидентлари учун хўжалик фаолиятини юритишда амалдаги солиқ шарт-шароитларини таҳлил

қилиш имконияти юзага келади ва ушбу давлатга инвестицияларни жалб этишнинг жозибадорлик даражаси аниқланади.

Ҳозирги пайтда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ва барча маҳаллий корхоналар учун фойда солиғи бўйича белгиланган тартиб бир хилда бўлмоқда. Ваҳоланки, 2005 йилга қадар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун фойда солиғини ҳисоблашда, хорижий инвесторнинг низом фондидаги улуши 50% ва ундан юқори бўлганда ҳамда низом фондининг катталиги 1 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори бўлганда белгиланган солиқ ставкаси пасайтирилар эди. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириб, мамлакатимизга хорижий инвесторлар томонидан инвестициялар кенг кўламда жалб қилинишига ижобий таъсир кўрсатар эди.

2005 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўловини тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Фармонда белгиланган солиқ имтиёзлари корхонанинг низом фондининг катталигига қараб, 3 йилдан 7 йил муддатигача белгиланган.

Белгиланган тартиб бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш механизми анча соддалашган, аммо ушбу корхоналарни солиққа тортишда низом фондининг ҳажми инобатга олиниши билан низом фондидаги томонлар улушини инобатга олинмаслигини салбий ҳолат деб ҳисоблаш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар низом фондининг катталиги асосан 1 млн. АҚШ долларигачани ташкил этади (3-жадвалга қаранг).

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар аксарият қисмининг низом фонди миқдори 1 млн. АҚШ долларигача бўлиб, 1 млн. АҚШ долларидан юқори низом фондига эга хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар улуши сезиларли эмас.

### 3-жадвал

#### Тошкент шаҳрида низом фонди 1 млн. АҚШ долларигача ва ундан юқори бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳолати<sup>11</sup>

Йиллар	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони		Шу жумладан:			
			Низом фонди 1 млн. АҚШ долларигача бўлган корхоналар сони		Низом фонди 1 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори	
	жами	шундан, фаолият кўрсатаётганлари	жами	шундан, фаолият кўрсатаётганлари	жами	шундан, фаолият кўрсатаётганлари
2004	2024	1423	1809	1226	215	197
2005	2199	1597	1965	1384	234	213
2006	2235	1665	1984	1441	251	224

Бизнинг фикримизча, Республикамизда ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг низом фонди катталиги 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги ва хорижий инвестицияларнинг улуши корхона низом фондининг камида 10 фоизини ташкил этиши лозим.

Ушбу таклифга кўра, солиқ ставкаси юридик шахслар фойдаси 10% бўлиб, бироқ хорижий инвесторнинг низом фондидаги улушидан ва низом фондининг катталигидан келиб чиққан ҳолда, солиққа тортиладиган базага нисбатан солиқ дифференциацияси ўрнатилса талабга жавоб берган бўлар эди (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун таклиф этилаётган фойда солиғини ҳисоблаш механизми<sup>12</sup>

Корхона номи	Солиққа тортиладиган база, сўм	Низом фондининг катталиги, доллар	Низом фондида хорижий инвесторнинг улуши, фоиз	Солиққа тортиладиган базага бериладиган имтиёз, фоиз	Нативий солиққа тортиладиган база, сўм	Умумий солиқ ставкаси, фоиз	Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси, Сўм
2	3	4	5	6	$7_{\kappa}(3*6)/100$	8	$9_{\kappa}(7*8)/100$
«А»	600 000	150 000	15%	85%	510 000	10%	51 000
«В»	600 000	500 000	25%	75%	450 000	10%	45 000
«С»	600 000	1 000 000	35%	65%	390 000	10%	39 000
«D»	600 000	2 000 000	45%	55%	330 000	10%	33 000

Таклиф этилаётган ҳисоб-китоб механизмида ҳар қандай хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона, агарда у бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлиб, уларни фойда солиғига тортишда низом фондининг катталиги 150 минг долларга тенг ёки ортиқ бўлган тақдирда, хорижий инвесторнинг низом фондидаги улуши 10%-50%гача дифференциацияланиши мумкин.

<sup>11</sup> Жадвал Тошкент шаҳар Солиқ Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>12</sup> Жадвал муаллиф томонидан таклиф этилаётган ҳисоб-китоблар асосида тузилган.

### **Ушбу ҳисоб-китоблар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:**

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг низом фондида хорижий инвесторнинг улуши 10% дан 50% гача бўлганда;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона низом фондида хорижий инвесторнинг улуши 50% тенг ва ундан кўп бўлганда, аммо низом фондининг катталиги 300 минг АҚШ долларидан кам бўлганда;
- корхона имтиёзга эга бўлган минтақа ҳудудларидан ташқарида фаолият кўрсатса;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилган имтиёз муддатлари тугагандан сўнг;
- хорижий инвесторлар томонидан киритиладиган хорижий инвестициялар мамлакатда интеллектуал салоҳиятни ўстириш учун йўналтирилади бўлса;
- республикада қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон маҳсулотларини қайта ишлаш, машинасозлик, металлургия, туризм, халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тармоқларга инвестицияларини жалб этувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга.

Таклиф этилган фойда солиғини ҳисоблаш механизмнинг қуйидаги ижобий томонларини кўришимиз мумкин:

#### **1. Низом фондида хорижий инвесторнинг улушини кўпайтириш орқали:**

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона, бюджет учун ижтимоий-иқтисодий адолатлилик тамойили амалга оширилади;
- такомиллашган солиқ тизимининг оддийлик ва холислик тамойилига ҳам амал қилади;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонадаги чет эл инвесторининг низом фондидаги улушига қараб, уни рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни кенг кўламда низом фондига жалб этиш мақсадида уларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

#### **2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар низом фондининг ҳажмини кўпайтириш орқали:**


- хорижий инвесторлар капитали оқимининг кўпайишига олиб келади;
- хорижий инвесторлар томонидан киритиладиган замонавий асбоб-ускуналар кўпайишига, бу эса, ўз навбатида, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштириш имконини яратади;
- интеллектуал мулк бойликларининг, шу жумладан, техникавий ҳужжатлар асосида тузилган техника ва технологияга оид замонавий билимлар, «ноу-хау» ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг жалб этилишига эътибор қаратилади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ва ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратиб берилган бўлсада,



ушбу корхоналарнинг экспорт ҳажми импорт ҳажмига қараганда анча паст.

Шуниси ачинарлики, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини ниҳоятда кам миқдорда экспорт қилмоқда.



**3-расм. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг экспорт ва импортнинг ўзгариш динамикаси (%)<sup>13</sup>**

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг импорт ҳажми бўйича кўрсаткичлари 2002 йилда 880,1 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 1592,9 млн. АҚШ долларига етди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси бўйича 2002 йилда импортнинг ҳажми экспортнинг ҳажмидан 2,3 марта ортиқ бўлган ҳолда, 2006 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 1,9 мартани ташкил этган.<sup>14</sup>

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг экспорт ва импорт ўртасидаги нисбатини камайтириш мақсадида экспорт операцияларини амалга оширувчи хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиқлар орқали янада рағбатлантириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда экспорт қилувчи корхоналар учун умумий реализация ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар экспорти улушига қараб, мол-мулк солиғи бўйича белгиланган ставкалар мос равишда камайтирилади.

Ушбу ҳисоб-китобни батафсилроқ таҳлил қиладиган бўлсак, солиқ тизимининг адолатлилик тамойилига риоя этмаётган бўламиз. Чунки, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 5 фоизини экспорт қилган корхона ҳам, 14,5 фоизни экспорт қилувчи корхона ҳам бирдай 3,5

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002-2006 йиллар учун статистик маълумотлари.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002-2006 йиллар учун статистик маълумотлари.

фоизли солиқ ставкаси асосида солиқ тўлайдилар. Шунингдек, 30 фоизини экспорт қилган корхона ҳам, 80, 90 фоизини экспорт қилувчи корхона ҳам камайтирилган солиқ ставкаси асосида бирдай солиқ тўлайдилар. Бизнинг мақсадимиз хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт қилинган ҳар 1 фоизи инобатга олиниб, берилаётган имтиёзнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтиришдир.

Шу ўринда биз, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун белгиланган мол-мулк солиғи тартибини сақлаб қолган ҳолда, улар учун маҳсулотнинг экспорт қилинган улушига қараб, солиқ суммасига нисбатан 1 фоиздан 90 фоизгача табақалаштиришни таклиф қиламиз (5-жадвал).

## 5-жадвал

### Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун таклиф этилаётган мол-мулк солиғини ҳисоблаш механизми<sup>15</sup>

Корхона номи	Солиққа тортиладиган база, сўм	Солиқ ставкаси, фоиз ҳисобида	Солиқ суммаси, сўм	Жами ишлаб чиқарилган маҳсулотига нисбатан экспорт улуши, фоиз ҳисобида	Солиқни табақалашуви фоиз ҳисобида	Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси, сўм
2	3	4	$5=(3 \times 4) / 100$	6	7	$8=(5 \times 7) / 100$
«А»	500 000	3,5	17 500	5	95	16 625
«Б»	500 000	2,45	12 250	20	80	9 800
«С»	500 000	1,75	8 750	30	70	6 150
«Д»	500 000	1,75	8 750	50	50	4 375
«Е»	500 000	1,75	8 750	70	30	2 625
«Ф»	500 000	1,75	8 750	90	10	875

Таклиф этилган мол-мулк солиғини ҳисоблаш механизми ва уни табақалаштириш қатор ижобий томонлари билан ажралиб туради, яъни:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг экспорт қилинган маҳсулотининг ҳар бир фоизи маълум даражада солиқлар томонидан имтиёзга эга бўлади;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиқлар томонидан рағбатлантириш орқали экспортбоп маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқаришга қизиқиш уйғотади;

- саноати ривожланмаган ҳудудларда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий хом ашё ресурсларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари вужудга келади.

Иқтисодий адабиётларда кредит механизми чуқур тадқиқ қилинган ҳолда, кредит механизми орқали инвестицион жараёнларни рағбатлантириш масаласи чуқур ўрганилмаганлигини таъкидлаш

<sup>15</sup> Жадвал муаллиф томонидан таклиф этилаётган ҳисоб-китоблар асосида тузилган.

мумкин. Шу боисдан, олимлар ўртасида мазкур масала юзасидан ягона фикр ва мулоҳазалар мавжуд эмас.

XXI аср бошларига келиб ривожланган давлатларнинг банк амалиётида кредитларнинг қуйидаги шакллари кенг қўлланилмоқда: миждларни алоҳида ссуда ҳисоб-рақамидан кредитлаш; миждларни кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш; овердрафт; контокоррент; факторинг; форфейтинг.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга кредитлаш шаклларида тўлиқ фойдаланган ҳолда, кредитлар бериш уларни молиявий рағбатлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, республикада банк амалиётида кредитлашнинг алоҳида ссуда ҳисоб-рақамидан кредитлаш шаклидан фаол тарзда фойдаланилмоқда. Бунда кредит бир маротаба ва тўлиқ суммада берилади. Унинг асосий камчиликлари шундан иборатки, биринчидан, бир маротабалик кредитлар корхоналарнинг фаолиятида юзага келадиган вақтинчалик молиявий узилишларга барҳам бериш имконини бермайди; иккинчидан, улар корхоналарнинг берилган кредитдан фойдаланиш мустақиллигини чеклаб, кредитлардан фойдаланиш самарадорлиги пасайишига олиб келади; учинчидан, ушбу шаклда тижорат банкларининг кредитдан фойдаланишни назорат қилиш имконияти чекланган бўлади.

Кредитлаш шаклидан фойдаланиш зарурияти хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг хўжалик фаолиятида юзага келади ва банклар томонидан уларнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини қондириш кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Кредит механизми доирасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рағбатлантиришнинг навбатдаги воситаси имтиёзли фоиз ставкаларида кредитлар бериш ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида республикада фақат кичик бизнес корхонаси мақомига эга бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзли кредитлар бериш тартиби жорий қилинган. Уларга бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини юқори чегараси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солинади.

Ривожланган индустриал мамлакатлар амалиётида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар бериш амалиёти мавжуд. Ўзбекистон Республикаси амалиётида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан имтиёзли кредитларни қўллаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Амалга оширилган тадқиқотимизнинг кўрсатишича,

республикамизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини кредит механизми орқали рағбатлантиришда, асосан, ҳукумат кафолати остида хорижий кредит линиялари орқали олинаётган кредитлардан, кредитлашнинг имтиёзли давридан ва бир маротабалик кредитлаш шаклидан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини кредит механизми орқали рағбатлантиришни такомиллаштиришда қуйидаги муҳим жиҳатларни эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида объектив сабабларга кўра, олинган хорижий валютадаги кредитларни муддатидан олдин қайтариш зарурияти юзага келиши мумкин. Шу сабабли, корхонанинг банк билан, банкнинг эса, хорижий банк билан кредитни муддатидан олдин қайтариш хусусида келишуви бўлиши лозим.

2. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун селектив кредитлаш усулини жорий қилиш зарур. Бунда устувор тармоқларда фаолият кўрсатаётган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш билан шуғулланаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан чиқарилган тратталар мамлакатимизнинг Марказий банки томонидан имтиёзи дисконт ставкаларида, яъни Марказий банкнинг расмий дисконт ставкасига нисбатан камида 50 фоиз паст ставкада қайта ҳисобга олиниши лозим.

3. Ҳозирги кунда мамлакатимизда айрим инвестицион кредитларни қайтаришда валюта курсининг пасайиш омили юзага келди. Бунинг моҳияти шундаки, миллий валюта курсининг сезиларли даражада пасайиши шароитида инвестицион лойиҳани реализация қилиш натижасида олинган сўмдаги тушумлар инвестицион кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни қоплашга етмайди. Тушум суммасини ошириш учун эса, сотилаётган товарлар баҳосини ошириш лозим, бу эса, жамиятдаги баҳолар даражаси билан чеклангандир. Шунинг учун, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга хорижий валютада кредитлар беришда битим валютаси курси тебранишининг прогноз ҳисоб-китоби кредитни қайтариш имконияти ҳисобланаётганда ҳисобга олиниши зарур.

4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳоланишнинг услубий асосларини такомиллаштириш лозим. Бунда халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган баҳолаш тизимларини миллий амалиётга жорий қилиш лозим. Ҳозирги даврда ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида юридик шахсларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда «СAMPARI», «Олти С», «АРБ» тизимларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Диссертация ишида ҳар бир баҳолаш тизимининг кўрсаткичлари

сони, миждознинг умумий рейтинги даражаси, фарқи, амал қилиш механизми таҳлил қилинган ҳамда мазкур усулларни қўллашнинг афзалликлари ва камчиликлари ўрганилган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда пул оқимини баҳолаш, молиявий коэффициентлар ва прогнозлаш усулларидадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

5. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий жиҳатдан қайта қуришда хорижий банкларнинг ва халқаро молия-кредит ташкилотларининг кредитлари молиялаштириш манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур кредитларнинг асосий қисми кредит линиялари орқали олинмоқда. Кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш тижорат банклари ва халқаро молия-кредит ташкилотларининг амалиётида қўлланилаётган асосий кредитлаш шаклларида бири бўлиб, қуйидаги афзалликларга эгадир:

- кредит линияси белгиланган лимит суммасига очилади ва миждоз белгиланган давр мобайнида ажратилган лимит доирасида кредит олиш имконига эга бўлади;

- кредитлашнинг мазкур шаклида миждоз кредитнинг фақат ишлатилган қисми учун фоиз тўлайди ва кредит тўлови билан боғлиқ чиқимлари камаяди;

- кредит берувчи кредитни қайтарилиши ва мақсадли ишлатилиши устидан самарали назорат олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Юқорида қайд этилган афзалликлар ривожланган хорижий давлатларнинг банк ишида ва халқаро молия-кредит ташкилотларининг фаолиятида кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш шаклидан кенг кўламда фойдаланилишни тақозо этади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни чет эл валюталарида кредитлашда қуйидаги масалаларни ҳал этиш муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни чет эл валюталарида кредитлаш шаклларидадан тўлақонли фойдаланиш ва хорижий кредит линиялари орқали олинган кредитларини оқилona жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш зарурдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чет эл валюталарида берилаётган кредитларнинг фоиз маржасига нисбатан лимит жорий қилиниши лозим.

Бизнинг фикримизча, лимит жорий қилинишида асос сифатида фоиз маржасининг халқаро банк амалиётида мавжуд бўлган мўътадил даражаси олиниши керак. Фоиз маржасига нисбатан лимит жорий қилиниши чет эл валюталаридаги кредитларнинг фоиз ставкалари кескин ошиб кетишининг олдини олади.

3. Мамлакатимиз тижорат банкларининг кредит потенциалини мустаҳкамлаш чораларини кўришда, хорижий валюталардаги депозитларга тўланадиган фоиз ставкасини ошириш муҳим ўрин тутди. Фоиз ставкасини ошириш учун эса, хорижий валютада бериладиган кредитларнинг ҳажмини ошириш лозим. Республикамизда тижорат банклари жалб қилган депозитларини халқаро ссуда капиталлари бозорида фаолият кўрсатаётган тижорат банкларига депозитлар сифатида жойлаштиради. Хорижий банклар томонидан эса, мазкур депозитларга бозор ставкасида фоиз тўланади. Мавжуд хорижий валюталардаги депозитларнинг бозор ставкаси мамлакатимиздаги корхоналарни ва омонатчиларни қониқтирмайди.

4. Республикамизда муддатли валюта операциялари бозорининг шаклланмаганлиги хўжалик субъектларининг валюта тушумлари ва тижорат банкларининг хорижий валюталардаги кредитлари ишончли тарзда ҳимоя қилиш имкони чегараланишига олиб келмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: спот бозорининг ликвидлилик даражасининг пастлиги; миллий валюта курсининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги; фоиз ставкалари ўртасидаги фарқнинг барқарор эмаслиги. Ушбу масалани ҳал қилишда чет эл валюталарида кредитлар бериш амалиётида мамлакатимиз тижорат банкларида муддатли валюта операцияларини ривожлантириш лозим.

### 3. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диссертация ишини бажариш жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар ва амалий таклифлар** ишлаб чиқилди:

1. Иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилишида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқларни тўлаш механизмида имтиёзларни тўғри белгилаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини бериш давлатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш; янги ишчи ўринларини ташкил этиш; ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш; хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш; корхоналар инвестицион фаолиятини рағбатлантириш ва фаоллаштириш; мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кўпайтириш; хусусий мулкчиликни тартибга солиш; ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан ривожлантириш; рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради.

2. Тадқиқот иши мамлакатимизда берилган солиқ имтиёзларидан самарасиз фойдаланилаётганлигини кўрсатди. Бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг солиқ имтиёзлари фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва божхона тўловлари

кўринишида берилган. Республикамизда бундай турдаги солиқ имтиёзларининг амал қилиши, хорижий инвестицияларни ҳудудимизда кириб келишини рағбатлантиришга, мамлакатимизнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, янги турдаги ишлаб чиқаришни яратишга, хусусий тадбиркорликнинг шаклларини вужудга келишини ривожлантиришга қаратилган.

3. Мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантириш мақсадида оффшорлик тизимини татбиқ этган ҳолда, солиқ дифференциациясини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

4. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг экспорт ва импорти ўртасидаги пассив нисбати камайтирилишида экспорт операцияларини амалга оширувчи корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантириш ўринлидир.

5. Амалга оширилган илмий тадқиқотлар кўрсатишича, республикамизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини кредит, чет эл валюталарда кредитлаш механизми орқали рағбатлантиришда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- республикамизнинг тижорат банкларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилган кредитларнинг кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғи кичиклигича қолмоқда;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг селектив кредитлаш усулидан унумли фойдаланил-маётганлиги;

- мамлакатимизга хорижий инвестициялар ва хорижий инвестицион кредитларни жалб этишнинг беқарорлиги;

- миллий валютанинг алмашув курси пасайиши ҳисобига инвестициялар ва кредитларни қоплаш харажатларининг кескин ўсаётганлиги;

- республикамиз банк амалиётида корхоналарни чет эл валютасида кредитлаш шаклларида тўлиқ фойдаланил-маётганлиги;

- мамлакатимизда хорижий кредит линияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чет эл валюталарида берилаётган кредитларнинг фоиз маржасига нисбатан лимитларни жорий қилинишининг зарурлиги;

- мамлакатимиз тижорат банкларининг кредит потенциалини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар қўллаш лозимлиги;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг услубий асослари такомиллашмаганлиги.

6. Мамлакатимизда кредитлашнинг кредит линияларини очиш йўли билан кредитлаш шакли ва факторинг шаклидан фойдаланиш

даражаси паст. Бунинг оқибатида, хорижий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналар кредитлашнинг бир маротабалик шаклидан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Бу эса, уларнинг фаолиятида кредит тўловлари билан боғлиқ бўлган фоизли харажатлар миқдорининг ошишига сабаб бўлмоқда.

7. Тижорат банкларининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредитлаш кўламини кенгайтиришга қаршилик қилаётган омил уларнинг ресурс базасининг заифлиги ҳисобланади. Банкларнинг ресурс базасининг заифлиги уларни банклараро ва марказлашган ресурслар ҳисобидан кредит операцияларини амалга оширишга мажбур қилиб қўяди. Банкларнинг ресурслари таркибида салмоғига кўра, асосий ўринни бошқа банклардан олинган кредитлар эгаллайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, республикамизга жалб этилган хорижий кредитлар кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллашидир.

Юқорида қайд этилган хулосаларга таянган ҳолда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия-кредит механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **амалий таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1.«Инвестициялар», «хорижий инвестициялар» категорияларини иқтисодий мазмуни тадқиқ этилди, уларнинг вазифалари, функциялари ва муҳим белгилари ажратиб берилди ҳамда «инвестициялар», «хорижий инвестициялар»га янгича мустақил муаллифлик таърифи берилди ва илмий жиҳатдан асосланган таснифланиши ишлаб чиқилди.

2.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг низомида фойдани тақсимлаш шакли, уни тартибга солиб турувчи йўналишлар, шунингдек, фондлар, уларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби белгилаб берилди.

3.Республикамизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган имтиёзларнинг рағбатлантирувчанлик таъсирини кучайтириш ва имтиёзлар механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи экспортёр корхоналар учун солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар имтиёзларининг самарали ишлашини таъминлашда мамлакатнинг иқтисодий бошқарув ва молия-кредит сиёсати билан мувофиқлаштириш зарурлиги;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган имтиёзлар мамлакатда илмий-техник тараққиёти жадаллаштирилишига, дунё бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.



4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан ундириладиган фойда солиғи бўйича жами ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёдаги маҳаллий хом ашёнинг ҳиссасига қараб камайтирувчи коэффицентларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

5. Дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда татбиқ қилса бўладиган қуйидаги ижобий томонларини белгилаш муҳимдир: хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг жойлашган ҳудудига қараб солиқ ставкасини белгилаш; корхоналар иқтисодий имкониятларини кучайтириш мақсадида солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш; кичик бизнесни ривожлантиришга ўз инвестицияларини сафарбар этган ва шу асосда тузилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш.

6. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фойда солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш мақсадида ушбу корхоналар учун оффшорлик тизимига амал қилган ҳолда, солиқ табақалашувини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

7. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини кредит механизми орқали рағбатлантиришда хорижий кредит линияларини ўзлаштиришни такомиллаштириш ва қайта жойлаштирилмаган кредитлар муаммосини ҳал қилиш мақсадида кредит шартномаларига хорижий кредитларни муддатидан олдин қайтариш шартларини киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

8. Мамлакатимизда муҳим аҳамиятга молик бўлган иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун селектив кредитлаш усулини қўллаш талаб этилади.

9. Тижорат банклари томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни овердрафт, контокоррент, форфейтинг, факторинг кредитлаш шакллари асосида кредитлашни йўлга қўйиш лозим.

10. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредит линияси орқали кредитлашда уларнинг пул оқимини баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда кредитлаш лимитини белгилаш лозим.

11. Хорижий банкларнинг ва халқаро молия-кредит ташкилотларининг кредит линиялари ҳисобидан берилаётган халқаро кредитларнинг фоиз ставкасига нисбатан Марказий банк томонидан лимитлар белгиланиши тақозо этилади.

12. Бугунги кунда чет эл валюталарида кредитлар беришда юзага келадиган кредит рискларини минималлаштириш мақсадида мамлакатимиз тижорат банкларида муддатли валюта операцияларини ривожлантириш лозим.

13. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредитлаш механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

сифатида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**Биринчидан**, берилган кредитларнинг кредит портфелидаги барқарорлик даражасини таъминлаш.

**Иккинчидан**, хорижий банкларнинг ва халқаро молия-кредит ташкилотларининг кредит линияларини ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш.

**Учинчидан**, Республикамиз тижорат банкларининг чет эл валюталардаги кредит потенциалини мустаҳкамлаш.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чет эл валюталарида берилаётган кредитларнинг фоиз маржасига нисбатан лимитни жорий қилиш.

## **4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ**

### **4.1. Монография ва илмий мақолалар**

1. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. – Монография. – Тошкент. “Iqtisod-moliya”, 2006. - 296-б.
2. Кузиева Н.Р. Қўшма корхоналардан олинadиган солиқлар тизимини такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит, 2001. - №3-4. - 76-77-б.
3. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни молиявий рағбатлантириш // Бозор, пул ва кредит, 2002. - №2. - 62-63-б.
4. Кузиева Н.Р. Инвестицияларни хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2003. - №5. - 46-47-б.
5. Кузиева Н.Р. Инвестицияларни молиялаштириш ва кредит механизми // Бозор, пул ва кредит, 2003. - №5. - 50-51-б.
6. Кузиева Н.Р. Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари ва уларни такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2003. - №11-12. - 46-47-б.
7. Кузиева Н.Р. Основные элементы кредитного механизма при финансировании инвестиций в Республике Узбекистан // Вопросы экономических наук. М.: 2004. - №1 (5). - с. 182-183.
8. Кузиева Н.Р. Особенности финансово-кредитного механизма стимулирования деятельности предприятий с иностранными инвестициями в Узбекистане // Вопросы экономических наук. М.: 2004. - №1 (5). - с. 184-185.
9. Кузиева Н.Р. Основные формы привлечения и эффективного использования иностранных инвестиций в Узбекистане // Актуальные проблемы современной науки. М.: 2004. - №2 (17). – с. 65-66.

10. Кузиева Н.Р. Экономическое стимулирование предприятий с иностранными инвестициями Республики Узбекистан // Актуальные проблемы современной науки. М.: 2004. - №2 (17). – с. 67-68.
11. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида кредит механизми // Бозор, пул ва кредит, 2004. - №3. - 38- 39-б.
12. Кузиева Н.Р. Холва деган билан оғиз чучимаиди // Солиқ тўловчининг журнали, 2005. - №9. - 72-73-б.
13. Кузиева Н.Р. Имтиёз: хорижий инвестицияли корхоналарнинг молиявий механизми // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2005. - №9. – 7-б.
14. Кузиева Н.Р. Инвестиция иқлими // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2005. - №11. – 14-б.
15. Кузиева Н.Р., Жураева У. Хориж сармояси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2006. - №11. - 8-б.
16. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кредитлаш таҳлили // Бозор, пул ва кредит, 2007. - №1. - 55-57-б.

#### **4.2. Илмий-амалий конференция тезислари**

17. Кузиева Н.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш масалалари // «Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счётлар режасини амалиётда жорий этиш муаммолари» Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2002. - 86-89-б.
18. Кузиева Н.Р. Инвестицияларни молиялаштиришда қўлланиладиган кредит механизмининг асосий элементларидан фойдаланиш // «Глобаллашув шароитида миллий иқтисодиёт ривожланиши муаммолари» Республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами, II қисм. – Термез. 2003. - 124-125-б.
19. Кузиева Н.Р. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари // «Ўзбекистон банк-молия тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш муаммолари ва унинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини кўчайтириш» Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2003.-99-101-б.
20. Кузиева Н.Р. Применение зарубежного опыта в налогообложении предприятий с участием иностранных инвестиций // «Пути совершенствования налоговой системы и страховой деятельности в условиях либерализации экономики». Материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент. 2004. - с. 68-71.
21. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш амалиёти // «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари» Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2004. - 89-92-б.

22. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини чет эл валюталарида кредитлаш механизмини такомиллаштириш амалиёти // «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмлари самарадорлигини ошириш муаммолари» Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2004.
23. Кузиева Н.Р. Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона бошқаруви орқали тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг ўрни // «Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти тизимида» Республика илмий-назарий анжуманининг илмий тўплами. – Тошкент. 2004. – 270-272-б.
24. Кузиева Н.Р. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кредит ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш // «Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. – Тошкент. 2004. - 131-133-б.
25. Кузиева Н.Р. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасига ўз инвестицияларини жалб этувчи корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантириш // «Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётида олима аёлларнинг роли» Республика ёш олималарнинг илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2004. – 89-90-б.
26. Кузиева Н.Р. Стимулирование привлечения иностранных инвестиций в сельское хозяйство Узбекистана. // «Аграрная наука и образование: актуальные проблемы и перспективы развития» Международная научно-практическая конференция. – Ташкент. 2004. - с. 291-292.
27. Кузиева Н.Р. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия-кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари // «Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётида олима аёлларнинг роли» Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2004. – 42-45-б.
28. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг роли // «Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш муҳим устувор вазифа» Республика Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2005. – 143-б.
29. Кузиева Н.Р. Пути совершенствования финансово-кредитной системы предприятий с иностранными инвестициями // «Социально-экономические проблемы переходной экономики» (опыт, обобщение, закономерности) Тезисы и доклады международной научно-практической конференции. Санкт-Петербург. 2005. – с. 501-501.
30. Кузиева Н.Р. Проблемы совершенствования методологической основы оценки кредитоспособности предприятий с иностранными инвестициями // «Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия» Девятнадцатые международные

Плехановские чтения. Тезисы докладов. Часть I. Москва. 2006. – с. 236-237.

31. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни чет эл валюталарида кредитлаш тартиби // «Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланиш муаммолари» Илмий-амалий анжуманнинг тезислари тўплами. – Тошкент. 2005. - 116-117-б.

32. Кузиева Н.Р. Жаҳон амалиётида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари // «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ тизимининг долзарб масалалари» Республика илмий-амалий анжуман маърузалар тезислари. – Тошкент. 2005. - 28-30-б.

33. Кузиева Н.Р. Пути совершенствования механизма расчёта налогов в целях стимулирования деятельности предприятий с иностранными инвестициями // «Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари», Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2006. – 147-б.

34. Кузиева Н.Р. Экспорт салоҳиятини оширишда хорижий инвестицияларни рағбатлантириш масалалари // «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда корпоратив бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва аудитни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари», Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2006. - 186-187-б.

35. Кузиева Н.Р. Инвестиция фаоллигини оширишда молия-кредит механизмига хос бўлган муаммолар ва уларнинг ечими // «Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамойиллари устувор йўналишлари ва истиқболлари», Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2006. - 134-135-б.

36. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш услугиётини такомиллаштириш // «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши», Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2006. - 391-393-б.

37. Кузиева Н.Р. Инвестиция фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг аҳамияти // «Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, самарадорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш», Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2006. - 11-12-б.

38. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг аҳамияти // «Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни», Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. – Тошкент. 2006. - 61-62-б.

39. Кузиева Н.Р. Перспективы создания новых инструментов привлечения инвестиций // «Мамлакатимиз илм-фани, техникаси,

маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётида олима аёлларнинг ўрни», Республика илмий-амалий конференция ҳужжатларининг тўплами. – Тошкент. 2007. - 37-38-б.

40. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтиришда солиқ механизмини такомиллаштириш масалалари // «Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини шакллантириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари», Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2007. - 60- 61-б.

41. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар кредит механизмини такомиллаштириш // «Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана», Материалы международной научно – практической конференции. Москва. 2007. - с. 139-141.

### **4.3. Ўқув ва услубий қўлланмалар**

42. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг солиқ тизими. Ўқув қўлланма. – Тошкент. 2002. – 72-б.

43. Кузиева Н.Р. Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. 2002. – 105-б.

44. Кузиева Н.Р. Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. Ўқув қўлланма. – Тошкент. 2005. – 90-б.

45. Жўраев А.С., Кузиева Н.Р. Марказий Осиё давлатлари солиқ тизими. Ўқув қўлланма. – Тошкент. 2005. – 120-б.

46. Алимардонов М.И., Кузиева Н.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент. 2007. – 214-б.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Н.Р.Кузиевнинг  
08.00.07-«Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича «**Хорижий  
инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини  
рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш  
йўналишлари**» мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** инвестициялар, хорижий инвестициялар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, низом фонди, солиқлар, солиқ механизми, солиқ имтиёзлари, кредит механизми, чет эл валюталари, селектив кредитлаш, кредит линиялари.

**Тадқиқот объекти:** Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти илмий тадқиқотнинг объекти қилиб олинди.

**Ишнинг мақсади:** Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини юритиш ва уларнинг молия-кредит механизми такомиллаштирилишига қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари:** ишда гуруҳлаш, статистик, қиёсий таҳлил, дифференциациялаш, муаммога тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилigi:** «инвестициялар», «хорижий инвестициялар»нинг интеграллашган таърифи ҳамда иқтисодий категория сифатидаги тўлиқ таснифи келтирилди ва мустақил муаллифлик ёндашуви берилди; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фойда солиғи юзасидан солиққа тортиладиган базага нисбатан солиқ табақалашувини қўллаш таклифи ишлаб чиқилди; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мол-мулк солиғи механизмини корхона томонидан экспорт қилинган маҳсулотнинг улушини ҳисобга олган ҳолда белгилаш тавсия этилди; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди; чет эл валюталарида кредитлар беришда юзага келадиган кредит рискларини минималлаштириш мақсадида мамлакатимиз тижорат банкларининг кредит потенциалини мустаҳкамлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** илмий ишда ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини самарали юритиш ва уларни молия-кредит механизмини таҳлил этишда; олий ўқув юртларида «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги» ва бошқа курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар солиқ механизмини янада такомиллаштиришга оид илмий мулоҳазалар, таклифлар ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

**Қўлланиш соҳаси:** хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Н.Р.Кузиевой на тему: **«Направления совершенствования финансово-кредитного механизма стимулирования деятельности предприятий с участием иностранных инвестиций»** на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.07-«Финансы, денежное обращение и кредит»

**Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции, предприятия с участием иностранных инвестиций, уставный фонд, налоги, налоговый механизм, налоговые льготы, кредитный механизм, иностранные валюты, селективное кредитование, кредитные линии.

**Объект исследования:** Объектом исследования является деятельность предприятий с участием иностранных инвестиций, функционирующих в Узбекистане.

**Цель работы:** Разработка научно-практических рекомендаций по ведению деятельности предприятий с участием иностранных инвестиций и по совершенствованию финансово-кредитного механизма этих предприятий при либерализации национальной экономики.

**Методы исследования:** в работе использованы метод группировок, статистический и сравнительный анализ, метод дифференциации и системный подход к решению проблем.

**Полученные результаты и их новизна:** исходя из экономической сущности инвестиций дано обобщённое определение экономической категории «инвестиций», «иностранных инвестиций» и представлен авторский подход с выделением важных признаков классификации; разработано предложение по применению дифференциации налогов относительно налогооблагаемой базы по налогам на прибыль предприятий с участием иностранных инвестиций; предложено определение механизма налога на имущество предприятий с участием иностранных инвестиций с учетом доли экспортированной ими продукции; разработаны научно-практические рекомендации по совершенствованию методических основ оценки кредитоспособности предприятий с участием иностранных инвестиций; научно и практически обоснована необходимость укрепления кредитного потенциала коммерческих банков нашей страны с целью минимизации кредитных рисков, возникающих при выдаче кредитов в иностранной валюте.

**Практическая значимость:** разработанные в научной работе научные заключения, методологические подходы и научно-практические рекомендации можно применять для эффективной организации деятельности предприятий с использованием иностранных инвестиций и анализа их финансово-кредитного механизма; в преподавании в высших учебных заведениях по дисциплинам «Налоги и налогообложение», «Организация и финансирование инвестиций», «Финансирование инвестиционных проектов и их мониторинг» и другие.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные заключения, предложения и практические рекомендации, направленные на совершенствование налогового механизма предприятий с участием иностранных инвестиций приняты Государственным Налоговым Комитетом Республики Узбекистан, Национальным банком Республики Узбекистан для практического применения.

**Область применения:** предприятий с участием иностранных инвестиций, высшие учебные заведения.



## R E S U M E

N.R.Kuzieva is dissertation on a theme "**Directions of perfection of the financial-credit mechanism at stimulation of the enterprises with foreign investments participation**" on competition of a scientific degree of doctor of economics on a speciality 08.00.07 - "Finance, money circulation and credit"

**Key words:** investments, foreign investments, the enterprises with foreign investments participation, the authorised capital, taxes, the tax mechanism, tax privileges, the credit mechanism, foreign currencies, selective crediting, credit lines.

**Subjects of the inquiry:** research is objective activity is of the enterprises with foreign investments participation functioning in the Uzbekistan.

**Aim of the inquiry:** the working out the theoretical and practical problems arising at liberalization of national economy, the organization, conducting activity of the enterprises with foreign investments participation and development of scientifically proved recommendations on perfection the financial-credit mechanism of these enterprises.

**Method of inquiry :** economic, the statistical analysis, a grouping, the comparative analysis, the differentiated methods and sistematical approach to the problem saving also has been used durring reseach.

**The results achieved and their novelty:** according to the economic investment basic the general economic defenition to the «investment», «foreing investment» has been given, throuthor's approach has been presented with emphasizing the important criteries of classification; the offer on taxes differanciacion usage has been worked out, the taxes on enterprises income with foreign investments participation; the defenition taxes on real estate of enterprises with foreign investments participation, scientific-practical recommendations on perfection the methodological basis of enterprises creditability with foreign investments participation have been worked out; the necessicity of credit strongleting potencial of commercial banks with a goal of credit risks minimization, arisen within credit allocation in foreign currency.

**Practical value:** the scientific conclusions have been developed in scientific work, methodological approaches and scientifically-practical recommendations can be applied to the effective organization of activity of the enterprises with use of foreign investments and the analysis of their financial-credit mechanism; in teaching disciplines at higher educational institutions "Taxes and the taxation", "The organization and financing of investments", "investment projects financing and their monitoring", etc.

**Degree jf embed and economic effectivity:** the scientific conclusions, offers and the practical recommendations directed on perfection of the tax mechanism of the enterprises with participation of foreign investments are accepted by the State Tax Committee of Republic Uzbekistan, National Bank of Republic Uzbekistan for practical application.

**Sphere of usage:** enterprises with foreign investment participation, higher educational institutions.